



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ:

**100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗӢ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
САЙЛОВИ:**

**100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ**

**«Адолат»  
миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2021**

**УЎК: 342.511.1(575.1)**

**КБК: 67.400.6(5Ўзб)**

**Ў 32**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови:**

100 саволга 100 жавоб. – Т.: «Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 56 б.

ISBN 978-9943-7294-1-4

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низамходжаев, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг фан ва инновациялар бўйича ўринбосари, профессор Р. Ҳакимовнинг таҳрири остида.*

**Таҳрир ҳайъати:**

*К. Қуранбаев, А. Туляганов, М. Икрамов, Ж. Абдуллаев,  
М. Маҳмудов, Х. Маматов.*

**Тузувчилар:** Ш. Сайдуллаев, И. Беков, Ш. Файзиев,  
А. Бабаджанов, Б. Мусаев.

Мазкур рисолада сайлов жараённига оид муҳим масалалар савол-жавоб шаклида ёритилган. Унда сайлов тушунчаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш муддатлари, сайлов принциплари, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишдаги очиклик ва ошкоралик, сайлов комиссиялари фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш, Президент сайловини молиялаштириш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш, кузатувчилар иштироки, овоз бериш ва сайлов якунлари каби масалалар конунчиликда белгиланган қоидалар асосида баён этилган.  
Рисола сайлов ташкилотчилари ва кенг жамоатчилика мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021

© Тошкент давлат юридик университети, 2021

© «Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази, 2021

## КИРИШ

Мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришлар шароитида давлат ҳокимиюти органларини сайловлар йўли билан ташкил этиш борасида халқаро андозаларга мос бой тажриба шакл-лантирилди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигининг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда сайлов амалиётини демократик ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида баҳолаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда сайловга оид қонунларнинг тизимлаштирилиши ҳамда қўшимча ўттиздан ортиқ муҳим демократик қоидаларнинг киритилиши асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси мазкур жараённи янги босқичга олиб чиқиша мухим омил бўлмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, «Бир сайловчи – бир овоз» тамойилини амалга ошириш мақсадида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди, сиёсий партияларнинг соғлом рақобат олиб бориши учун тенг шарт-шароитлар яратилди.

Кейинги йиллардаги очиқлик, инсонпарварликка асосланган ислоҳотлар сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган турли даражадаги сайловлар халқимиз онги ва кайфиятида ижобий ўзгаришлар ясади, бу муҳим сиёсий жараёнга муносабатни ўзгартирди. Фуқароларнинг эртанги кунга ишонч ҳамда она Ватан тақдирига даҳлдорлик ҳисси билан сайлов жараёнларида иштирок этиши мухим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон шароитида сайловлар нафақат демократиянинг муҳим белгиси ва кўриниши, балки унинг зарурий шарти ҳамdir. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакати бошқарувида қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши керак: бу ирода яширин овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминловчи бошқа шунга тенг аҳамиятли кўринишлардаги умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ифодаланиши керак», – деб белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, инсонпарвар демократик жамият барпо этиш мақсади сари интилаётган эканмиз, унинг бош талаби бўлган эркин сайловларни муносаби ташкил қилиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Чунки сайловлар халқقا давлат ҳокимиятининг ягона манбай сифатидаги сиёсий ролини амалга ошириш имконини берадиган ҳал қилувчи жараёндир.

Бу борада, айниқса, мамлакат Президенти сайлови алоҳида ўринга эга. Мазкур сайловнинг муҳим аҳамияти шундаки, унинг натижасида давлат раҳбари сайланибина қолмай, балки, жамият аъзоларининг хоҳиш-истаклари, кайфияти, давлат сиёсатига реал муносабати аниқланади. Бу жараёнда конституция-вий асосда ўрнатилган ва тараққиётнинг муҳим омилларидан ҳисобланган фикрлар хилма-хиллиги ҳам яққол намоён бўлади.

Шу жиҳатдан олганда, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни эркин сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Маълумки, сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Кўлингиздаги рисола Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ юз саволга юз жавобни ўз ичига камраган бўлиб, турли ёшдаги фуқароларнинг сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослантирилган тарзда тушунишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

# **САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР**

## **I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ОИД УМУМИЙ МАСАЛАЛАР**

### **1. Сайлов нима?**

Сайлов – фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида бевосита иштирок этиш имконини берувчи, давлат ҳокимиятининг сайлаш орқали шакллантириладиган органларига тақдим этилган номзодлардан бирини овоз бериш йўли билан танлаб олишга қаратилган демократик жараён.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қачон бўлиб ўтади?**

2021 йил 8 февралда қабул қилинган «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жорий йилда илк бор октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтади.

### **3. Президент сўзининг маъноси нима?**

Президент сўзи лотинча («ргае» – олдин ва «sedere» – ўтиromoқ) сўздан олинган бўлиб, «етакчи раҳбар» деган маънони англатади. Президент – давлат бошлиги ҳисобланади ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

### **4. Мамлакатимизда сайловлар қайси принциплар асосида ўтказилади?**

Ўзбекистон Республикасида сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш принципларига биноан очик ва ошкора ўтказилади.

### **5. Яширин овоз бериш нимани англатади?**

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайлов бюллетенидаги номзодлардан қайси бирини танлашни фақат сайловчининг ўзи ҳал қиласи.

Сайловчилар муддатидан олдин ёки сайлов куни участка сайлов комиссияси биносида ёхуд турган жойида яширин овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Сайловчиларнинг қайси номзодга овоз берганлигини кузатиш ва текширишга йўл қўйилмайди. Участка сайлов комиссиялари сайловчиларнинг яширин овоз бериш ҳуқукини таъминлаш учун масъул ва жавобгардир.

### **6. Сайлов жараёнида очиқлик ва ошкоралик нималарда намоён бўлади?**

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиши сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширади.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссия-ларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этажтган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таниширади, Ўзбекистон -Республикаси

-Президентлигига номзодлар тўғрисидаги, шунингдек, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча жараёнлари оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ёритилади.

## **7. Сиёсий партия нима?**

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-нинг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида -тузилган, -давлат ҳокимияти органларини шакллантириша жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рӯёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

## **8. Ўзбекистонда нечта сиёсий партия мавжуд?**

Ўзбекистонда бугунги кунда бешта сиёсий партия расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси.

## **9. Ўзбекистон Халқ демократик партияси**

Партия 1991 йил 1 ноябрда тузилган.

Партияning мақсади – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатdir.

Партияning расмий нашри – **«Ўзбекистон овози»** газетаси.

Бугунги кунда партияning **519 053 нафар** аъзоси бўлиб, **10 208** та бошлангич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши -раиси – **Иноятов Улугбек Ильясович**.

Партияning расмий саҳифаси – <https://xdp.uz>.

## **10. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси**

Партия 1995 йил 18 февралда -тузилган.

Партияning асосий мақсади – хуқуқий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga асосланган қучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаат-ларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий хуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жиспашашган жамиятни тараққий топтириша фаол иштирок этишdir.

Партияning расмий нашри – **«Адолат»** ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетаси.

Бугунги кунда партия аъзоларининг сони **495 287** нафарни, бошлангич партия ташкилотларининг сони **6 275** тани ташкил қилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси – **Бахром Абдурахимович Абдухалимов.**

Партияning расмий саҳифаси – <https://adolat.uz>

## **11. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси**

Партия 1995 йил 3 июнда тузилган.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг бош мақсади миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ҳалқимизнинг бой тарихи, маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, маънавий баркамол фуқаролик жамиятини ривожлантириш баробарида миллий ўзлигимизни, она тилимиз, динимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни сақлаш ва ривожлантиришдан иборатdir.

Партияning расмий нашри – **«Миллий тикланиш»** газетаси.

Партия аъзолари сони **343 468** нафардан ортиқ, бошланғич партия ташкилотлари сони эса **6 916** тани ташкил қилади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси – **-Кадиров Алишер Келдиевич**.

Партияning расмий саҳифаси – <https://mt.uz>

## **12. Тадбиркорлар ва -ишбилармөнлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси**

Партия 2003 йил 15 ноябрда тузилган.

Партияning асосий мақсади – сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар, ишбилармөнлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имконият-лар яратиш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда очик ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни ҳалқ, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш, шунингдек, давлат бошқарувида фаол иштирок этиб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда кўмаклашишдан иборатdir.

Партияning расмий нашри – **«XXI ASR»** газетаси.

Бугунги кунда партия аъзолари сони **1 млн.** нафардан ортиқ, бошланғич партия ташкилотлари **13 352** тани ташкил этади.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси – **Хайтов Актам Ахмадович**.

Партияning расмий саҳифаси – <https://uzlidep.uz>

## **13. Ўзбекистон Экологик партияси**

Партия 2019 йил 8 январда таъсис этилган.

Партияning асосий мақсадлари – мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни таъминлаш; Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни сақлаш давлат, жамият ва мамлакат ҳар бир фуқаросининг вазифаси бўлишига қўмаклашиш.

Партияning расмий нашри – **«Оила ва табиат»** газетаси.

Бугунги кунда партия аъзолари сони **430 минг** нафар, бошланғич партия ташкилотлари **3.910 тани** ташкил этади.

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси – **Обломуродов Нарзулло Наимович**.

Партиянинг расмий саҳифаси – <https://www.ecouz.uz/>

#### ***14. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари деганда кимлар тушунилади?***

Сиёсий партиянинг сайлов комиссиясининг мажлисларида, хужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиш учун ваколат берилган вакили унинг ваколатли вакили ҳисобланади.

### **II. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ**

#### ***15. Сайлов комиссиялари қандай орган?***

Сайлов комиссияси – сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни ташкил этадиган ва таъминлайдиган коллегиал орган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари тизимига қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (кейинги ўринларда – Марказий сайлов комиссияси);

округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари.

#### ***16. Сайлов комиссиялари фаолиятига аралашиши мумкинми?***

Сайлов комиссиялари давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳисобланади.

Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув жавобгарликка сабаб бўлади.

#### ***17. Марказий сайлов комиссияси нима мақсадда тузилади?***

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

#### ***18. Марказий сайлов комиссияси қандай тартибда тузилади?***

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида **ўн беш нафар** аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпогис-тон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсиясига кўра Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

2021 йил 5 февралдан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси – **Низамходжаев Зайниддин Махаматович**.

Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти – <https://www.saylov.uz>

### ***19. Марказий сайлов комиссиясининг қарори барча учун мажбурийми?***

Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиласиган қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

### ***20. Сайлов округлари қандай тартибда тузилади?***

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпогистон Республикаси, вилоят-лар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда сайловдан камида етмиш беш кун олдин, яъни **2021 йил 10 августгача** Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

### ***21. Округ сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай тузилади?***

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида, яъни 2021 йил 15 августгача комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз – ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

### ***22. Округ сайлов комиссияси аъзоларини ким тавсия этади?***

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида мухокама қилинади ҳамда тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тасдиқланади.

### ***23. Округ сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга?***

Округ сайлов комиссияси:

- тегишли ҳудудда сайлов қону-н-чи-ли-ги ижроси устидан назоратни амалга оширади;
- сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қиласи;
- участка сайлов комиссияларининг фаолиятини муво-фик-лаш-тиради;
- сайлов участкаларининг жойлашган ери хақида сайловчиларни хабардор қиласи;
- участка сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қиласи;
- номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлайди;
- сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг

- сайловга тайёр-гарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ тасалалар юзасидан ахборотини эшигади;
- сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;
  - сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;
  - сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мус-тасно.

#### **24. Сайлов участкалари ким томонидан ва қандай тузилади?**

Сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳоким-ликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкалари туманларнинг, шаҳарларнинг, шаҳарлардаги ту-манларнинг чегаралари ино-батга олинган ҳолда тузилади. Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги округ-ларга киради. Сайлов участкаларининг чегаралари бошқа сайлов округларининг чегараларини кесиб ўтмаслиги керак.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида, яъни **2021 йил 25 августгача**, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида ўйигрма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда тузилади.

Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Рес-публикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса сайловга камида **етти кун** қолганида тузилади.

#### **25. Участка сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай тузилади?**

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида, яъни **2021 йил --- 14 сентябргача беш – ўн тўқиз нафар аъзодан**, шу жумладан, раис, раис ўринbosари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида участка сайлов комиссияси раи-сининг вазифаларини ушбу ваколатхоналарнинг раҳбари амалга оширади.

#### **26. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ким томонидан тавсия этилади?**

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан так-лиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

#### **27. Участка сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга?**

Участка сайлов комиссияси:

- участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;
- сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласи ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;
- сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан тўлдирилган сайлов бюллетенларини ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади;
- аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов қутилари, шунингдек бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади;
- овозларни санаб чиқади;
- сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади.

***28. Кимлар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши ҳуқуқига эга?***

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

***29. Сиёсий партияларнинг аъзолари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлиши мумкини?***

Сиёсий партияларнинг аъзолари округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, -прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

***30. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг қанчаси битта ташкилот вакиллари бўлиши мумкин?***

Участка сайлов комиссияси аъзо-ларининг ярмидан кўпине битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари бундан мустасно, яъни ушбу қоида татбиқ қилинмайди.

***31. Сайлов комиссияларининг мажлисларида кимлар қатнашиши мумкин?***

Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширади.

Сайлов комиссиясининг мажлисларида номзодларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг

вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

### ***32. Сайлор комиссияларининг қарорлари устидан шикоят қилиши мумкини?***

Ҳа, мумкин. Сайлор комиссияларининг қарорлари устидан қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга -шикоят қилиш мумкин.

### ***33. Участка сайлов комиссияси овоз бериш куни қандай фаолиятни амалга оширади?***

Овоз бериш куни сайлов участкасида соат 8:00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси янграйди.

Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигига:

- овоз бериш бошланганлигини эълон қиласди;
- сайлов қутиларининг бўшлигини текширади ва уларни бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади;
- участкадаги рўйхат бўйича сайловчиларнинг сони, олинган сайлов бюллетенлари сони ҳамда муддатидан олдин овоз берганлар хақида маълум қиласди. Ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади;
- овоз бериш тугалланганлигини эълон қиласди.

### ***34. Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш тугаганидан кейинги фаолияти нималардан иборат?***

Овоз бериш куни соат 20:00 да овоз бериш тугагач, участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринbosари овоз бериш тугаганлигини комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигига эълон қиласди.

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринbosари комиссия аъзолари билан биргаликда:

- олдиндан ёзув ашёларини йифиштириб қўйиб, сайлов бюллетенларини санаб чиқиш учун жой (стол) тайёрлайди;
- овоз бериш қутиларидаги пломбаларнинг рақамларини далолатнома билан солиширади;
- округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетени сони аниқланади;
- фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенларини санаб чиқади ва бекор қиласди, бу хақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади;
- сайловчилар рўйхатидан сайловчилар сони аниқланади;
- муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертларни сайлов қутисига ташлайди;
- сайлов бюллетенини олганлар аниқланади;
- стационар ва кўчма сайлов қутиларини очади;
- ҳар бир номзод бўйича сайлов бюллетенларини ўқиб эшиттирган ва намойиш этган ҳолда алоҳида-алоҳида боғламларга ажратади;
- ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни санаб чиқади;
- хақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенларини аниқлайди ва санаб чиқади, бу хақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади.

Участка сайлов комиссияси овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш чоғида келиб тушган шикоятларни (аризаларни) кўриб чиқади. Шундан сўнг участка сайлов комиссияси овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича мажлис ўтказиб, унда овоз бериш якунлари тўғрисида қарор қабул қиласди.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда раис, раис ўринбосари, котиб, сайлов комиссиясининг бошқа аъзолари томонидан баённома имзоланади. Шундан сўнг баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшилтирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси хамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида **қирқ саккиз соат** муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Участка сайлов комиссияси баённомаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда округ сайлов комиссиясига етказилади. Баённоманинг биринчи нусхасини участка сайлов комиссияси раиси ички ишлар бошқармалари ходимлари ҳамроҳлигида топширади.

**35. Участка сайлов комиссияси баённомасининг нусхасини олиш мумкинми?**

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчилар участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини олишга ҳақли.

**36. Фуқаролар ёки блогерлар участка ёки округ сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижаларига оид баённомасининг нусхасини олишга ҳақлами?**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ участка ёки округ сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижаларига оид баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилади. Фуқаролар ёки блогерлар осиб қўйилган баённома билан танишиши, расмга олиши мумкин.

Бунда, сайлов комиссиясидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган баённоманинг нусхасини тақдим этишни талаб қилиш назарда тутилмаган.

**37. Фуқаролар ёки блогерлар овоз берииш жараёнини тасвирга олиши, онлайн трансляция қилиши мумкинми?**

Сайлов жараёнини кузатиш ҳуқуқини берувчи хужжат (мандат)га эга бўлган шахслар ва аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари овоз беришнинг яшириллигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга оширишлари мумкин. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан -мустасно ҳисобланади.

Фуқаролар ёки блогерлар агар сайловни кузатиш ҳуқуқини берувчи тегишли хужжат (мандат)га эга бўлмаса бундай ҳуқуққа эга эмас.

**38. Сайлов комиссиялари қандай молиялаштирилади?**

Сайлов комиссияларини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан амалга оширилади.

**39. Сайлов комиссиялари ишига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўйланадими?**

Сайлов комиссиялари ишига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳак тўлаш сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Сайлов комиссияларининг аъзоларига сайловгага тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошка харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади.

Сайлов комиссиясининг доимий иш жойига эга бўлмаган -аъзоларига, шу жумладан, пенсионерларга меҳнатга ҳак тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланади.

### **III. КУЗАТУВЧИЛАР, УЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### ***40. Кузатувчи ким?***

Кузатувчи – сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни бевосита кузатиш хукуқига эга бўлган шахс ҳисобланади.

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларга, уларнинг аризасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан мандатлар (рухсат берувчи ҳужжат) берилади.

Хорижий (халқаро) кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинади ва мандат берилади.

Мандат (рухсат берувчи ҳужжат) кузатувчи сайловгага тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун асос ҳисобланади.

#### ***41. Кузатувчилар қандай хукуқларга эга?***

Кузатувчилар қўйидаги хукуқларга эга:

- сайлов комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш;
- номзодлар кўрсатишга бағишлиланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида қатнашиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;
- овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баён-номаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
- ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиш;
- агар тегишли сайлов участкасида сайлов қонунчилиги та-лаб-лари бузилишига йўл қўйилган, деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.

#### ***42. Кузатувчилар учун қандай ҳаракатларни амалга ошириши тақиқланади?***

Кузатувчиларга қўйидагилар тақиқ-ланади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар кимга овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

- сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишига аралашиш.

#### **43. Хорижий (халқаро) кузатувчиilar ким?**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофик, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда хорижий (халқаро) кузатувчилар қатнашиш хуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий (халқаро) кузатувчилар аккредитация қилиниб, мандат (руҳсат берувчи ҳужжат) берилгандан сўнг сайлов жараёнида иштирок этишлари мумкин.

Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколат муддати уларга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якупнлари расман эълон қилинган куни тугайди.

#### **44. Хорижий (халқаро) кузатувчилар қандай хуқуқларга эга?**

Хорижий (халқаро) кузатувчилар:

- сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- номзодлар қўрсатишга бағишиланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;
- сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;
- муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;
- сайловчининг турган жойида унинг руҳсати билан овоз бериши жараёнини кузатиш;
- овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баён-номаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кў chirma nusxalarini súraш ва олиш;
- кузатув олиб бориш давомида ўзи ёллаган таржимон ҳамроҳлигига бўлиш;
- сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно;
- кузатув натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;
- сайловолди ташвиқоти белгилари бўлмаган, фамилияси, исми ва отасининг исми, ўзи вакиллик қилаётган ташкилотнинг номи қўрсатилган кўкрак нишонлари тақиши;
- округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов -комиссияларидан овозларни санаб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;
- қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкаларидаги сайлов жараёнини кузатиш хоҳиши тўғрисида участка сайлов комиссиясига камида уч кун олдин хабар бериш;
- агар сайлов участкасида сайловга оид қонунчилик ва халқаро нормалар талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек, юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;
- сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

#### **45. Хорижий (халқаро) кузатувчиларга нималар ман қилинади?**

Хорижий (халқаро) кузатувчиларга қўйидагиларни амалга ошириш ман қилинади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишида бирон-бир тарзда ёрдам қўрсатиш;
- сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашиш, уларга эътиrozлар билдириш;
- сайлов қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш жараёнига аралашиш;
- бирон-бир партия ёки номзодга тегишли рамзий тусдаги белгиларни тақиб ёки олиб юриш;
- сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошка тадқиқотларни эълон қилиш.

Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларда иштирок этиши Марказий сайлов комиссияси томонидан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилади.

#### **IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

##### ***46. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ким сайланиши мумкин?***

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон худудида муқим яшаёт-ган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Қўйидагилар:

- қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

##### ***47. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кимлар номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга?***

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади. Битта сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат битта номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

##### ***48. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби қандай?***

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида, яъни 2021 йилнинг 20 августидан бошланади ва қирқ беш кун қолганида (2021 йил 9 сентябрь) тугайди. Номзодларни рўйхатга олиш эса сайловга ўттиз беш кун қолганида (2021 йил 19 сентябрь) тугалланади.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлиdir.

##### ***49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати қанча?***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига биноан Президент беш йил муддатга сайланади.

## **V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

**50. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ким ташкил этади ва ўтказади?**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиши Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

**51. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ким рўйхатга олади?**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Номзод этиб рўйхатга олинган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида, яъни 2021 йил 19 сентябрь куни тугалланади. Номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддатда тегишли сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни эълон қиласи.

**52. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар фаолиятининг қандай кафолатлари мавжуд?**

Номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши, сайлов--ол-ди йиғилишларида, телевидение ва радио орқали сўзга чиқиши даврида ишлаб чиқариши ёки хизмат вазифаларини бажаришдан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (бундан шахар йўловчи транспорти, такси ва бошқа транспорт турларининг буюртма йўналишлари мустасно) текинга юриш ҳуқуқига эга.

Номзодларнинг хизмат сафари ва бошқа харажатлари сайловни ўтказиши учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланади.

**53. Номзодларнинг дахлсизлик ҳуқуқи қандай таъминланади?**

Рўйхатга олинган барча номзодлар тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз -жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки уларга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни мажбурий келтиришга, шунингдек, уларнинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жойи ва хизмат хоналарини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

**54. Сиёсий партияларнинг сайловдаги иштироки қандай молиялаштирилади?**

Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молия-лаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-кувватлаш тақиқланади.

### ***55. Қайси манбалардан сайловни молиялаштириши тақиқланади?***

Чет давлатларнинг, улардаги жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамда халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан сайловни молиялаштириш ҳамда номзодлар ва сиёсий партия-ларни моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-кувватлаш тақиқланади.

### ***56. Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари ким?***

Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишида ёрдам берувчи, сайлаш учун ташвиқот олиб борувчи, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодаловчи шахс.

### ***57. Президентликка номзоднинг нечта ишончли вакили бўлиши мумкин?***

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ўн беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари унинг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади.

## **VI. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ВА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ**

### ***58. Сайлов кампанияси нима ва у ким томонидан эълон қилинади?***

Сайлов кампанияси – сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлардан иборат жараён.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кунидан камида уч ой олдин, яъни 2021 йил 24 июлга қадар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Сайлов кампанияси расмий эълон қилинган кундан бошланиб, сайлов натижалари эълон қилинган кунга қадар давом этади.

### ***59. Сайловолди ташвиқоти нима?***

Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият. Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан, яъни 2021 йил 20 сентябрдан эътиборан бошланади ва овоз беришга бир кун қолганида (2021 йил - 23 ва 24 октябрь кунлари сайловолди ташвиқотига ўтказилмайди) тўхтатилади.

### ***60. Қачон сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди?***

Сайловолди ташвиқотига сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида, яъни 2021 йил 23 ва 24 октябрь кунлари йўл қўйилмайди.

#### **61. Сайловолди ташвиқотида қандай ҳаракатлар тақиқланади?**

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга белул ёки имтиёз-ли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Нотўғри ахборотни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

#### **62. Сайловолди ташвиқоти қандай шаклда ўтказиласди?**

Сайловолди ташвиқоти номзоднинг дастури ёки сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш шаклида олиб борилади.

Ташвиқот омма олдида очик мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишилар, ролик-ларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Ташвиқот даврида уни олиб боришнинг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуулларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

#### **63. Ташвиқот оммавий ахборот воситаларида қандай тартибда ёритиб борилади?**

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини белул бериш йўли билан тенг шароит-лар таъминланади.

Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

#### **64. Сайловчилар билан учрашувлар қандай тартибда ташкил этилади?**

Номзодларга ва сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали ташвиқот учун тенг шароитлар яратилади.

Сайловчилар билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади.

Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка сайлов комиссиясига маълум қилинади. Номзоднинг сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши тўғрисидаги ахборот махаллий ОАВда эълон қилинади.

Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида тегишли туман (шахар) ҳокимликлари камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб қилинмайди.

#### **65. Кимларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш тақиқланади?**

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш қўйидагиларга тақиқланади:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари;
- Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар;
- сайлов комиссиялари аъзолари;
- диний ташкилотлар профессионал хизматчилари.

**66. Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов жараёнларини ёритишда қандаи ҳуқуқларга эга?**

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида ҳозир бўлиш, шу жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган хужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Бошқа давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакилларини Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказади.

**67. Сайлов натижалари прогнозларини, сайлов билан боғлиқ ўтказилаётган бошқа тадқиқотларни эълон қилиши мумкинми?**

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

## **VII. ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ**

**68. Фуқаролар неча ёшдан Президент сайловида қатнашиши ҳуқуқига эга?**

Сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир.

**69. Сайловчилар рўйхати қандаи тартибда тузилади?**

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, яъни 2003 йил 24 октябрь кунига қадар ва шу куни туғилган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Хар бир сайловчи факат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади.

**70. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари сайловчилар рўйхатига қандаи киритилади?**

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар

жойлашган- ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

#### ***71. Чет давлатларда турган фуқаролар сайловчилар рўйхатларига қандай киритилади?***

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Чет давлатларда турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан камида ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

#### ***72. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати нима учун керак?***

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати сайловнинг тенг-лик принципини таъминлашга хизмат қиласиган восита бўлиб, ундан ҳар бир сайловчини фақат битта сайловчилар рўйхатига киритиш учун фойдаланилади. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Конс-титуцияси 117-моддасига кўра «Ҳар бир сайловчи бир овозга эга» принципини рўёбга чиқаришга хизмат қиласи. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати орқали фуқароларнинг фақат бир маротаба овоз беришини назоратга олиш имконияти мавжуд бўлади.

Марказий сайлов комиссияси Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш фаолияти бўйича умумий раҳбарлик ва мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади. Рўйхат республика миқёсида яхлит электрон тарзда бўлиб, у Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати деб номланади ва электрон тарзда сайлов участкаларига тақсимланади.

#### ***73. Фуқаролар сайловчиларнинг рўйхатлари билан қандай таништирилади?***

Сайловчиларнинг рўйхатлари билан сайловга ўн беш кун қолганида таништирилади (2021 йил 9 октябрь).

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш кийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса сайловга уч кун қолганида (2021 йил 21 октябрь) ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш, шунингдек Марказий сайлов -комиссиясининг расмий веб-сайти -(<https://elections.uz>) орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти таъминланади.

#### ***74. Сайловчилар рўйхатларида хато ёки ноаниқлик аниқланса, қандай ҳаракат амалга оширилади?***

Ҳар бир фуқаро сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичидаги

мурожаатни текшириши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### ***75. Овоз бериш хоналари қандай жиҳозланади?***

Участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар тегишли тарзда жиҳозланиши ва қўйидагиларга эга бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби ва Герби, сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари, сайлов кутилари, кузатувчилар учун алоҳида жойлар, сайлов санасига бағишланган плакатлар, сайлов участкасининг харитаси, участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчиликлар жадвали ҳақидаги аҳборот, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган маҳсус стенд, барча рўйхатга олинган номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури, зарур мебель,офис техника воситалари ва ёнгинга қарши воситалар.

Овоз бериш хоналари ёруғ ва кенг бўлиши, алоҳида кириш ва чиқиш жоий бўлиши, шунингдек, уларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун нишаб йўлкалар назарда тутилган бўлиши лозим.

### ***76. Сайловда овоз бериш учун сайловчида ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши керакми?***

Ха, бўлиши шарт. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади.

Участка сайлов комиссияси аъзоси сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида унинг сайловчилар рўйхатидаги маълумотларини текширади, унга овоз бериш учун сайлов бюллетенини имзо қўйдириб топширади.

### ***77. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга қандай ҳужжатлар киради?***

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга қўйидагилар киради: паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтингчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома.

### ***78. Сайлов бюллетенлари ким томонидан тасдиқланади?***

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак.

Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

Сайлов бюллетени ўнг томонининг юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади.

### ***79. Овоз бериш қаерда ва қандай амалга оширилади?***

Сайловчилар муддатидан олдин ёки сайлов куни участка сайлов комиссияси биносининг овоз бериш хонасида, шунингдек, сайловчининг турган жойида овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи битта бюллетенъ орқали бир овозга эга бўлади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «» ёхуд «х» белгисини қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

### **80. Сайлов бюллетени бузиб қўйилганда янгисига алмаштириладими?**

Ҳа, алмаштирилади. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси томонидан янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниб, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

### **81. Сайлов бюллетенида нималар акс этган бўлиши лозим?**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми сайлов бюллетенига унинг туғилган йили ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади.

Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлади.

### **82. Бир сайловчи томонидан унинг қариндошлари ёки танишларининг паспортлари бўлган тақдирда, уларнинг ўрнига ҳам овоз беришга йўл қўйиладими?**

Йўқ, йўл қўйилмайди. Ҳар бир сайловчи шахсан овоз бериши шарт. Сайловда иштирок этувчи ҳар бир сайловчи бир овозга эга.

### **83. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчига бошқа шахс томонидан ёрдам кўрсатилиши мумкинми?**

Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли. Так-лиф этилаётган шахс сайлов комиссияси аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бўлиши мумкин эмас.

### **84. Сайловчи овоз бериш учун сайлов участкасига келган пайтда у сайловчилар рўйхатида бўлмаса, нима қилиш керак?**

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

Бунинг учун участка сайлов комиссияси сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида сайловчининг қайси сайлов участкаси бўйича рўйхатга киритилганлигини сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан излаб топади ва муддатидан олдин овоз берган ёки бермаганлигини аниқлаштиради, шундан сўнг, ушбу сайловчи доимий яшаш жойида муддатидан олдин овоз бермаган бўлса, вақтинча яшаш жойидаги сайлов участкаси бўйича сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

Шундан сўнг сайловчига сайлов бюллетени берилади ва овоз бериш ҳукуки таъминланади.

**85. Сайловчи соглиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериши учун сайлов участкасига бора олмаса, қандай қилиб овоз беради?**

Айрим сайловчилар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериши биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Тегишли комиссиянинг камидаги икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

**86. Кимлар муддатидан олдин овоз бериши мумкин?**

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳукукига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида, яъни 2021 йил 14 октябрдан бошланади ва сайловга уч кун қолганида, яъни 2021 йил 21 октябр куни тўхтатилади. (21 октябр куни муддатидан олдин овоз берилмайди).

Сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида муддатидан олдин овоз бериш ҳукуқидан фойдаланади.

**87. Чет давлатларида бўлган фуқаролар қандай тартибда сайловда иштирок этишилари мумкин?**

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин.

Чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналар хузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган сайлов участкалари сайловчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди.

Овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади.

**88. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиши жойларида фуқаролар қандай тартибда сайловда овоз беришилари мумкин?**

Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиши жойларида сақланётган шахс-лар овоз бериш ҳукукига эгадирлар ва қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиши жойларида тузилган сайлов участкалари сайловчилар рўйхатига киритилади.

**89. Кимлар сайловда иштирок этмайди?**

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганилиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.

Шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар ҳамда суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

#### **90. Сайлов куни овоз бериш қайси вақтда ўтказилади?**

Овоз бериш сайлов куни соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади.

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камидан ўн кун олдин, яъни 2021 йил 14 октябрь кунига қадар хабардор қиласди.

### **VIII. САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ**

#### **91. Қайси ҳолларда сайловлар ўтмаган деб топилади?**

Сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади.

#### **92. Қайси ҳолларда сайловлар ҳақиқий эмас деб топилади?**

Сайлов давомида йўл қўйилган, овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари бўйича ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан беш кун ичida бу қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

#### **93. Овозлар ким томонидан ва қандай санаб чиқилади?**

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатига киритилган шахсларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини ва сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида хар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Санаб чиқилган сайлов бюллетенлари асосида участка сайлов комиссияси:

- хар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;
- ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини;
- бузилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

#### **94. Қандай сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилиб, ҳисобга олинмайди?**

Куйидаги сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиша ҳақиқий эмас деб топилади:

- белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қофоз сифати, босмахона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи);
- участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари;
- сайловга қадар вафот этган, сайлов хукуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган номзодга ёқлаб овоз берилган сайлов бюллетенлари;

– овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «» ёхуд «х» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белгилар қўйилмаган сайлов бюллетенлари.

### **95. Сайлов натижалари қандай аниқланади?**

Округ бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган баённомалари асосида округ сайлов комиссиясининг мажлисида аниқланади ва баённомага киритилади. Баённома комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг ўзига келиб тушган баённомалари асосида:

- Ўзбекистон Республикаси бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;
- сайлов бюллетенларини олган сайловчилар сонини;
- овоз беришда иштирок этган сайловчилар сонини;
- ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;
- ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

### **96. Сайланган номзод қандай аниқланади?**

Сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

### **97. Сайлов натижалари қанча муддатда эълон қилинади?**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан ке-йин ўн кундан кечиктирмай, яъни 2021 йил 3 ноябргача қабул қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов натижалари расмий равишда эълон қилинган кундан бошлаб кечи билан икки ой ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида қасамёд қилган пайтдан эътиборан ўз лавозимига киришади.

## **IX. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНИДАН МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

### **98. Сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши тартиби қандай?**

Сайлов комиссиялари сайлов кампаниясини ўтказиши даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, сайловга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган

мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

**99. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар қандай тартибда кўриб чиқиласди?**

Номзод кўрсатган сиёсий партиялар органлари, номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камиди олти кун қолганида эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

**100. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қандай жавобгарлик мавжуд?**

Сайлов тўғрисида қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғ-рисидаги кодексида 8 та моддадан иборат маҳсус VI боб мавжуд бўлиб, унда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 146-моддаси (Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) ва 147-моддаси (Сайлов ҳукуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўскинлик қилиш)да сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

## **МУНДАРИЖА**

|   |           |
|---|-----------|
| <b>КИРИШ .....</b>  | <b>3</b>  |
| <b>I. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид умумий масалалар .....</b>         | <b>5</b>  |
| 1. Сайлов нима? .....   | 5         |
| 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қачон бўлиб ўтади? .....                    | 5         |
| 3. Президент сўзининг маъноси нима? .....   | 5         |
| 4. Мамлакатимизда сайловлар қайси принциплар асосида ўtkазилади? .....                    | 5         |
| 5. Яширин овоз бериш нимани англатади? .....  | 6         |
| 6. Сайлов жараёнида очиқлик ва ошкоралик нималарда намоён бўлади? .....                   | 6         |
| 7. Сиёсий партия нима? .....  | 7         |
| 8. Ўзбекистонда нечта сиёсий партия мавжуд? .....   | 7         |
| 9. Ўзбекистон Халқ демократик партияси .....  | 7         |
| 10. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси .....                                  | 8         |
| 11. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси .....                                | 8         |
| 12. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ..... | 9         |
| 13. Ўзбекистон Экологик партияси .....  | 10        |
| 14. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари деганда кимлар тушунилади? .....             | 10        |
| <b>II. Сайлов комиссиялари .....</b>  | <b>11</b> |
| 15. Сайлов комиссиялари қандай орган? .....   | 11        |
| 16. Сайлов комиссиялари фаолиятига аралашиш мумкинми? .....                               | 11        |
| 17. Марказий сайлов комиссияси нима мақсадда тузилади? .....                              | 11        |
| 18. Марказий сайлов комиссияси қандай тартибда тузилади? .....                            | 12        |
| 19. Марказий сайлов комиссиянинг қарори барча учун мажбурийми? .....                      | 12        |
| 20. Сайлов округлари қандай тартибда тузилади? .....                                      | 13        |
| 21. Округ сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай тузилади? .....                       | 13        |
| 22. Округ сайлов комиссияси аъзоларини ким тавсия этади? .....                            | 13        |
| 23. Округ сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга? .....                                | 14        |
| 24. Сайлов участкалари ким томонидан ва қандай тузилади? .....                            | 15        |
| 25. Участка сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай тузилади? .....                     | 16        |

|  |    |
|--|----|
| 26. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ким томонидан тавсия этилади? .....   | 16 |
| 27. Участка сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга? .....   | 16 |
| 28. Кимлар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиш ҳукуқига эга? .....   | 17 |
| 29. Сиёсий партиянинг аъзолари сайлов комиссияларининг -аъзоси бўлиши мумкинми? .....  | 17 |
| 30. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг қанчаси битта ташкилот вакиллари бўлиши мумкин? .....   | 18 |
| 31. Сайлов комиссияларининг мажлисларида кимлар қат-на-шиши мумкин? .....  | 18 |
| 32. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан шикоят қи-лиш мумкинми? .....  | 18 |
| 33. Участка сайлов комиссияси овоз бериш куни қандай фаолиятни амалга оширади? .....   | 19 |
| 34. Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш тугаганидан кейинги фаолияти нималардан иборат? .....   | 19 |
| 35. Участка сайлов комиссияси баённомасининг нусхасини олиш мумкинми? .....  | 21 |
| 36. Фуқаролар ёки блогерлар участка ёки округ сайлов -комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижаларига оид баённомасининг нусхасини олишга ҳақлими? ..... | 21 |
| 37. Фуқаролар ёки блогерлар овоз бериш жараёнини тасвирга олиши, онлайн трансляция қилиши мумкинми? .....  | 21 |
| 38. Сайлов комиссиялари қандай молиялаштирилади? .....   | 22 |
| 39. Сайлов комиссиялари ишига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўланадими? .....  | 22 |

### **III. Кузатувчилар, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ... 22**

|  |    |
|--|----|
| 40. Кузатувчи ким? .....   | 22 |
| 41. Кузатувчилар қандай ҳукуқларга эга? .....                              | 23 |
| 42. Кузатувчилар учун қандай ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади? ..... | 24 |
| 43. Хорижий (халқаро) кузатувчилар ким? .....                              | 24 |
| 44. Хорижий (халқаро) кузатувчилар қандай ҳукуқларга эга? .....            | 25 |
| 45. Хорижий (халқаро) кузатувчиларга нималар ман қилинади? .....           | 26 |

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга қўйиладиган талаблар ..... 27**

|   |    |
|---|----|
| 46. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ким сайданиши мумкин? .....             | 27 |
| 47. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кимлар номзодлар кўрсатиш ҳукуқига эга? ..... | 27 |

|  |    |
|--|----|
| 48. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар<br>кўр-сатиш тартиби қандай? .....               | 28 |
| 49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат<br>муддати қанча? .....                             | 28 |
| <b>V. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини<br/>ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ..... 28</b>     |    |
| 50. Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>сайловини ким ташкил этади ва ўтказади? .....                | 28 |
| 51. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни<br>ким рўйхатга олади? .....                      | 29 |
| 52. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар<br>фаолиятининг қандай кафолатлари мавжуд? ..... | 29 |
| 53. Номзодларнинг дахлсизлик хукуки қандай<br>таъминланади? .....                                      | 29 |
| 54. Сиёсий партияларнинг сайловдаги иштироки қандай<br>молиялаштирилади? .....                         | 30 |
| 55. Қайси манбалардан сайловни молиялаштириш<br>тақиқланади? .....                                     | 30 |
| 56. Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари ким? ...   | 30 |
| 57. Президентликка номзоднинг нечта ишончли вакили бўлиши мум-кин?<br>.....                            | 31 |

## **VI. Сайлов кампанияси ва сайловолди ташвиқоти ..... 31**

|  |    |
|--|----|
| 58. Сайлов кампанияси нима ва у ким томонидан эълон қилинади?<br>.....   | 31 |
| 59. Сайловолди ташвиқот нима? .....  | 31 |
| 60. Қачон сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди? .....   | 32 |
| 61. Сайловолди ташвиқотида қандай ҳаракатлар<br>тақиқланади? .....   | 32 |
| 62. Сайловолди ташвиқоти қандай шаклда ўтказилади? ....  | 32 |
| 63. Ташвиқот оммавий ахборот воситаларида<br>қандай тартибда ёритиб борилади? .....  | 33 |
| 64. Сайловчилар билан учрашувлар қандай<br>тартибда ташкил этилади? .....  | 33 |
| 65. Кимларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш<br>та-қиқ-ланади? .....   | 34 |
| 66. Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов<br>жараёнларини ёритишда қандай хукуқларга эга? .....                        | 34 |
| 67. Сайлов натижалари прогнозларини, сайлов билан<br>боғлиқ ўтказилаётган бошқа тадқиқотларни эълон<br>қилиш мумкинми? ..... | 34 |

## **VII. Овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш ..... 35**

|  |    |
|--|----|
| 68. Фуқаролар неча ёшдан Президент сайловида қатнашиш хукуқига эга?<br>..... | 35 |
|--|----|

|   |    |
|---|----|
| 69. Сайловчилар рўйхати қандай тартибда тузилади? .....   | 35 |
| 70. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари сайловчилар рўйхатига қандай киритилади? .....   | 35 |
| 71. Чет давлатларда турган фуқаролар сайловчилар рўй-хат-ларига қандай киритилади? .....  | 36 |
| 72. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати нима учун керак? .....   | 36 |
| 73. Фуқаролар сайловчиларнинг рўйхатлари билан қандай таниширилади? .....   | 37 |
| 74. Сайловчилар рўйхатларида хато ёки ноаниқлик аниқланса, қандай харакат амалга оширилади? .....   | 37 |
| 75. Овоз бериш хоналари қандай жиҳозланади? .....   | 38 |
| 76. Сайловда овоз бериш учун сайловчидаги ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши керакми? .....   | 38 |
| 77. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга қандай ҳужжатлар киради? .....   | 38 |
| 78. Сайлов бюллетенлари ким томонидан тасдиқланади? ...   | 39 |
| 79. Овоз бериш қаерда ва қандай амалга оширилади? .....   | 39 |
| 80. Сайлов бюллетенини бузуб кўйилганда янгисига алмаштириладими? .....   | 40 |
| 81. Сайлов бюллетенида нималар акс этган бўлиши лозим? .....  | 40 |
| 82. Бир сайловчи томонидан унинг қариндошлари ёки танишларининг паспортлари бўлган тақдирда, уларнинг ўрнига ҳам овоз беришга йўл кўйиладими? ..... | 40 |
| 83. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчига бошқа шахс томонидан ёрдам кўрсатилиши мумкинми? .....         | 40 |
| 84. Сайловчи овоз бериш учун сайлов участкасига келган -пайтда у сайловчилар рўйхатида бўлмаса, нима қилиш керак? .....                             | 41 |
| 85. Сайловчи соғлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун сайлов участкасига бора олмаса, қандай қилиб овоз беради? .....              | 41 |
| 86. Кимлар муддатидан олдин овоз бериши мумкин? .....   | 42 |
| 87. Чет давлатларида бўлган фуқаролар қандай тартибда сайловда иштирок этишлари мумкин? .....   | 42 |
| 88. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида фуқаролар қандай тартибда сайловда овоз беришлари мумкин? .....                              | 42 |
| 89. Кимлар сайловда иштирок этмайди? .....  | 43 |
| 90. Сайлов куни овоз бериш қайси вақтда ўтказилади? .....   | 43 |

### **VIII. Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш .... 43**

|   |    |
|---|----|
| 91. Қайси ҳолларда сайловлар ўтмаган деб топилади? .....      | 43 |
| 92. Қайси ҳолларда сайловлар ҳақиқий эмас деб топилади? ..... | 44 |
| 93. Овозлар ким томонидан ва қандай санаб чиқилади? .....     | 44 |

|   |    |
|---|----|
| 94. Қандай сайлов бюллетенлари ҳақиқий әмас деб топилиб, ҳисобга олинмайды? ..... | 44 |
| 95. Сайлов натижалари қандай аниқланади? .....                                    | 45 |
| 96. Сайланган номзод қандай аниқланади? .....                                     | 45 |
| 97. Сайлов натижалари қанча муддатда эълон қилинади? ....                         | 46 |

**IX. Сайлов комиссиялари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик .....  
46**

|  |    |
|--|----|
| 98. Сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик -шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби қандай? ..... | 46 |
| 99. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар қандай тартибда кўриб чиқилади? .....                      | 47 |
| 100. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қандай жавобгарлик мавжуд? .....                               | 47 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ:**

**100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ**

Нашр учун масъуллар:

*Омонулла Файзуллаев*

*Шерзод Абдуллаев*

Муҳаррир:

*Гулбахор Ортиқхўжаева*

Компьютерда саҳифаловчи:

*Жамишид Фофуров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллый хуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. АI № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-үй.

Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47

Веб-сайт: [www.adolatmarkazi.uz](http://www.adolatmarkazi.uz)

e-mail: [info@adolatmarkazi.uz](mailto:info@adolatmarkazi.uz)

Босишига рухсат этилди 16.08.2021 й.

Қоғоз бичими 60x841/16. «Antiqua» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоби 3,5.

Нашриёт хисоб табоби 2,5 Адади 23 700 нусха.

-буортма. Нархи шартнома асосида.

**«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖда чоп этилди.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.**